



# МАДАНИЯТ

№26 (161) 1.07.2021 йил

Оқибат

## Бир хаста дилни обод айлаб...



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков халқимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, 85 ёшли онахон Тўти Юсупованинг хонадонига ташриф буюриб, унинг аҳолидан хабар олди.

Хузурига гуллар билан кириб келган вазири кўриб, онахоннинг чехрасию, хаста дили ёришди. Суҳбат давомида Тўти ая жонажон театри, сеvimли шогирдлари, жамоаси ҳақида сўзлаб, улар-

нинг меҳр-оқибатидан миннатдор эканини билдирди. Умрининг 65 йилини Ўзбек миллий академик театрида ўтказган ая уни ўз оналаридек парваршлаётган шогирдлари даврасида гўё дардлари аригандек бўлди. Қимматли вақтларини аямай йўқлаб келган Маданият вазири ходимларини, Озодбек Назарбековни алқаб, узоқ дуо қилди.

Дарҳақиқат, Онахон шундай эътиборга муносиб. Ахир бир умр муқаддас даргоҳга содиқ қолди, ярат-

ган бетакрор роллари билан санъатсавар халқимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Тўти Юсупова деганда дарҳол кўз олдимизга қувнок, қайнонасига содиқ Сотти образи келади. Халқимиз ҳалигача уни севиб томоша қилади. Сеvimли актрисамизнинг шунга ўхшаш қалбларимизга ўрнашиб қолган роллари кўп. "Абдуллажон", "Қиёмат қарз", "Уфқ", "Қаллиқ ўйини" каби юзлаб спектакль ва кинофильмлардаги ҳар бир ро-

лининг ўзи бир дoston.

Аянинг ҳаёт йўли, сабр-тоқати, бағри кенглиги, меҳнатсеварлиги, қўйинги, олижаноб инсоний фазилатлари кўпларга ибрат бўлса арзийди. Тўти Юсупованинг актрисалик маҳоратига ҳатто чет эллик театр арбоблари ҳам тан беришгани айна ҳақиқат. Илоҳим, шундай мўътабар инсонлар узоқ умр кўриб, орамизда эзгулик фариштаси бўлиб юрaversинлар деймиз.

С.РИХСИЕВА

30 июнь – Ёшлар куни

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 25 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 30 июнь – Ёшлари куни этиб белгиланган.

## Келажакни бирга қурамиз!

Бу куннинг мамлакатимизда кенг нишонланиши ўсиб келаётган авлодни Ва-танга садоқат руҳида тарбияловчи, уларни юксак марраларга чорловчи бекиёс рағбат бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг Ўзбекистон ёшларига йўллаган табригида таъкидланганидек, ёшларимизни жисмоний соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун беш ижобий ташаббус доирасида кўплаб стадионлар, сув ҳавзалари, спорт мажмуалари ва саройлари, маданият масканлари барпо этилмоқда. Энг муҳими, фарзандларимиз ўртасида спорт билан мунтазам

шуғулланганидан, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётини мақсадига айлантирган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Буни қарангки, Ёшлар кунини Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида МДХ давлатлари ўртасида ташкил этилган "Келажакни бирга қурамиз" халқаро ёшлар форуми ҳам ўз ниҳоясига етди.

Ушбу нуфузли форумда Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти талабалари Лазизбек Мухторов ҳамда Дилрабо Абдурашидова-

лар ҳам иштирок этишди.

"Келажакни бирга қурамиз" халқаро ёшлар форуми доирасида "Дўстлик оқшоми" – ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда институт талабалари ўз санъатларини намойиш этиб, миллий мумтоз куй-қўшиқларимиздан сара намуналарини ижро қилишди.

Турли миллат ва давлат; ўзга тил ва маданият вакиллари иштирок этган ушбу халқаро форум МДХ давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг ёрқин намунаси сифатида тарихга муҳрланади.

Ушбу сонда

## Сеҳрли қўллар соҳиби

3-саҳифада >>



## Оталар ҳам алла айтишган

4-саҳифада >>



## Раҳбарлик — масъулият, эл корига яраш – бахт

5-саҳифада >>



Доналар сузлайди...

Уқини бошлаш ҳеч қачон кеч эмас, ҳатто олий ўқув юртини битиргандан кейин ҳам.

Китоб жавонига "дафн қилинган" китобни дунё юзини кўрди деб ҳисоблаш мумкинми?

Агар қўллар қисқа бўлса, унда муваффақият оёқларнинг узунлигига боглик бўлади.

Виктор Томилов

### Шоҳ ва шоир

## Бобур ҳаёти ва ижодига илмий назар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда музейдаги ходимларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ошириш юзасидан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, илмий ходимларнинг йиллик режалари асосида маърузалари тақдимо

мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг 25 июнь кунин эса музей сектор мудири М.Тoшболтаева томонидан "Шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди" мавзусида илмий маъруза тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда эксперт сифатида Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси А.Нурмуҳаммадзонов ҳамда У.Исоқовлар иштирок этишди. Музей ходимлари ва меҳмонлар эътиборига М.Тoшболтаева томонидан Мир-

зо Бобур ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар жамланмаси, слайд ҳамда видеоролик ҳавола қилинди. Тақдимот жараёнида У.Исоқов Бобур ғазаллари асосидаги мумтоз кўшиқлардан ижро этди. Йирилганлар буюк бобокалонимизнинг ҳаёти юзасидан ўз билимларини янада бойитдилар. Кечанинг якуний қисмида маъруза бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ўзаро муҳокама этилди.

**Т.АТАЖАНОВА,**  
**музей ходими**




### Кумилган туپроқлар хақида



# Сарикўрғон тепалиги

Фарғона водийси худуди атрофи баланд тоғлар билан ўралган тоғ оралиги чўкмаси ҳисобланади. Баланд тоғлар билан марказий текисликлар ўртасида кичик рельеф баландликлари учрайди ва улар ўз навбатида иккига: тоғ тизмалари ва адирлар занжирига бўлинади. Водийнинг жанубий қисмида параллел равишда биридан ботиқликлар билан ажралган учта тизмалар мавжуд бўлиб, улар оралигида тектоник чўкмалар бор. Бу жойларда доимий сув йўллари кам учрайди. Жанубдан оқиб келувчи дарё ва сойлари кўндаланг адирлар занжирини кесиб ўтиб, ўз (дарё) водийларини ҳосил қилган. Н.П.Васильковский маълумотларига кўра, олдинги тоғ тизмалари унча баланд эмас.



морфологик хосса – хусусиятларини аниқлаш, эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилган мақбул агро-технологияларни ишлаб чиқиш бора-бор тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Фарғона водийси Ўрта Осиё тоғ оралиги ботиқликларидан бири ҳисобланиб, табиий географик ва туپроқ – иклимий раёнлаштириш схемасига кўра, Фарғона округига киририлган, республиканинг энг шарқида Тяньшань ва Помир – Олой тоғ тизмалари оралигида жойлашган. Округ уч томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, уни жанубдан Помир – Олой ва Туркистон, Шарқдан Фарғона ва Отўйнок, шимодан Чотқол, Шимолий ғарбдан Қурама ва Қорамозор, ғарбдан Мўғилтоғ тиз-

Сарикўрғоннинг биринчи режаларини аниқлашиб, тахминан эрамиздан олдинги асрга мансуб дейишган. Мазкур кўрғон тўртбурчак шаклида бўлиб, фасад қисми кунчиқарга қараган. Устки майдони 60-60м бўлиб, бешта минора қолдиқлари аниқланган. Минораларнинг тўрттаси кўрғон четларида, ўртасида эса битта минора шарқий фасадда жойлашган. Сўх Фарғона водийсининг мумтоз тарихий ерларидан бири сифатида минг йилликлар аввал биринчи одам пайдо бўлиш марказларидан ҳисобланади. Туман худуди Фарғона вилояти жанубида, Сўх дарёси водийсида жойлашган. Сўх воҳаси тош асри, қадимги (полюлит), ўрта (мезолит) ва янги давр (неолит) ёдгорликларига бой бўлиб, қадимги давон ёнида Буюк Ипак йўлининг асосий маркази сифатида ўзига хос обидалари билан шаҳар сифатида мавжуд бўлган.

Сўхнинг муҳим археологик ёдгорликларидан бири Сарикўрғон қалъасидир. Кўрғон Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида, Кўкон шаҳридан 25 км жанубда жойлашган. Режаси деярли квадрат шаклга эга (60\*60 м). Милодий давр бошларида унча катта бўлмаган қалъа, VII-VIII асрларда кенгайтирилиб, хозирги сақланган ҳолатидаги қалъа кўрғон ҳолига келтирилган. Қурилишда паҳса ва хом ёғишлардан фойдаланилган. Ёдгорликнинг тўрт бурчагида ва икки ён деворидан оралик буржлар (жамми бта) яққол кўришиб туради. Демак, шаҳар мудофасида асосий эътибор тўрт томондаги деворлар ва улардаги буржлар мустаҳкамлиги ва мукамаллигига қаратилган, девор ва буржларда икки қатор шиқнаклар ясалган. Сарикўрғон Сўх воҳасининг асосий сув манбаи бошлинишида қурилган қалъа бўлиб, унинг вазифаси сув захираларини назорат қилиш ва қўриқлаш эди. Бундай иншоотларни водийнинг Қорадарё, Қувасой, Исфаҳасой бўйларида ҳам тиклаганлар. Сарикўрғон нафақат Фарғона водийси, балки Ўрта Осиё қалъа-кўрғонлар меъморчилигини ўрганишда муҳим муҳандислик обидасидир.

Фарғона вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси томонидан 2014 йил 20 майда паспорт тузилган. Паспорт тузувчи Т.Собиров, Холматовлар берган маълумотга кўра, 2013 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Археология институтини археолог экспедицияси томонидан қайта тадқиқ этилган. Бугунги кунда ёдгорлик қисман вайрон бўлган.

Бизнинг илмий ишмиз Сарикўрғон тепалигига келтирилган туپроқларнинг асосий таркиби, биокимёвий ҳамда агрофизик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Суратларда Сарикўрғон тепалигининг умумий кўриниши келтирилган бўлиб, бунда тепаликнинг умумий ҳолати, баландлиги ва туپроғи минерологик жинсларининг хозирги кундаги ҳолати ифодаланган. Шунингдек, у ерда ғор бўлиб, унда тепаликнинг бир томондан иккинчисига ўтish йўлига бор. Бундан аҳоли ташки душманлардан яшириниш мақсадида фойдаланган.

**Гўзалхон ОРТИҚОВА,**  
**Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудири**

В.Н.Вебер водий жанубидаги тоғ дарёлари текисликка чиққан жойлари уларнинг тугалланган қисмлари ва келтирилган жинсларнинг охириги тўпланиш ҳудудлари деб таъриф берган ҳамда "Қуруқ дельта" деб атаган. Тўртламчи давр конгломерат жинслари Қонибодомдан Фарғонагача бўлган паст адирларнинг юқори ва куйи худудларида тарқалган, баъзан куйи ёйилма қисмларида учрашни кўрсатиб, шу жойлардан Фарғона ботиқлигининг тўртламчи даврдан шаклланиши бошланган деб қайд этган. Жанубий тоғ дарёлари (Исфара, Сўх) тоғлардан чиқиб жойларидан бошлаб ўзлари келтирган конгломератли жинсларини (қуруқ делталарга) ётқизган (1929-1930).


Фарғона водийси рельефининг мураккаблиги билан ажралаб туради ва бу унинг геологик тузилиши, тоғлар орасида жойлашуви, тектоникасида учламчи ва тўртламчи давр яралмалари аралашган тарзда учраши катта мураккабликларни келтириб чиқарган. Водий худудларининг тектоник ва денудацион ҳаракатлари кейинги даврларда турли ёшдаги рельефининг денудацион ва аккумулятив шаклларини вужудга келтирган ҳамда улар чўкинди ва қоплама жинслар характери билан фарқланади. Водий геоморфологиясининг рельеф шакллари, геологик тузилиши, иклимий шароитлари ва биологик омилларнинг ўзаро таъсири доирасида юзага келган. Хозирги даврга келиб водий худудларини геоморфологик раёнлаштиришга доир бир неча тадқиқотлар олиб борилган. Барча раёнлаштириш ишларида бир ҳолат кўзга ташланади, яъни водий ерларида геоморфологик раёнлар зоналарининг ажратилганлиги кўринади. Бундай тадқиқот ишлариغا Н.П.Васильковский, Н.Е.Минакова, О.К.Ленге, В.А.Гейнц,

А.Шевченко, М.А.Панков, Ю.А.Скверцов, О.Ю.Пославская ва бошқаларни киритиш мумкин. Водийни ўраб турувчи баланд тоғлар остида, тоғонди қияликлари, тоғостиди худудларида қалин қатламли чағиртош ва шағаллар, баъзан лёсслардан ташкил топган пролювиал келтирилмалар ҳамда уларга ёндашган, бироз яссилашган адирлар занжирини жойлашган. Унинг орография тузилишида адирлар баъзи худудларда икки ва уч қаторли тизимда жойлашиб, тоғ дарёлари кесиб ўтган водийлари, адирорти ва адирларро чўкмалар билан катта худудларда жойлашганлиги билан характерлидир. Ушбу чўкмалар атрофдаги тоғ ва адирлардан келтирилган пролювиал-аллювиал ва делювиал жинслар билан тўшалган. Водийнинг текислик қисмини, бутун атрофдаги тоғлардан оқиб келувчи дарё ва сойларнинг ёйилмалари эгаллаган бўлиб, улар баъзан қўшилиб кетган, баъзан ёйилмаларро пастқамликларни ҳосил қилган.

Табат билан жамият ўртасида юз берадиган ўзаро муносабатлар тизими юзага келаётган турли экологик муаммоларнинг амалий ечими сифатида халқимизнинг аънавий табиятдан фойдаланиш маданияти эканлиги таъкидланмоқда.

Тарихий-маданий (этнография) вилоятларнинг ягона тарихий тақдирини ўхшаш ландшафтларда яшовчи халқларнинг узок йиллик ўзаро таъсири натижасида маълум маданий жамоада шаклланади. Бундай вилоятларда вақт ва худудда маҳаллий ўзига хос хусусиятларга, умумий моддий ва

маънавий маданиятга эга тарихий ўтмиш вужудга келади. Тадқиқотлар услубиёти асосини ўрганилган худудлар туپроқ хариталари маълумотларини таҳлил қилиш, қиёсий географик, туپроқ-картографик, лаборатория камерал-аналитик тадқиқотлар натижаларини умумийлаштириш ҳамда сўғориладиган ерлар сифатини баҳолаш услублари ташкил этади. Тайёргарлик, дала, камерал ва картографик ишлар йўриқнома асосида, лаборатория – аналитик ишлари умумқабул қилинган услубийлар асосида ҳамда туپроқ сифатини баҳолаш ишлари кўрсатма асосида бажарилди. Республикамизда мустақиллик йилларида сўғориладиган тош-шағалли, деградацияланган ерлардан самарали фойдаланиш ва ерларнинг экологик мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бира, мелiorатив ҳолати оғир бўлган тош-шағалли ерларнинг генезиси, уларнинг



Сарикўрғон ёдгорлигининг умумий схемаси

Семинар  
**Бугуннинг китобхони**



29 июнь куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида Методика-библиография бўлими иш режасига мувофиқ, “Бугунги китобхоннинг кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Уни вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори З.Собиров очиб, тадбирдан кўзланган мақсадлар ҳақида гапирди. Се-

минарда барча туман тармоқ кўзи ожизлар кутубхоналари ходимлари қатнашди.

Методика-библиография бўлими етакчи мутахассиси С.Мўминов “Китоб тарғиботига замонавий ёндашув”, Хазорасп туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудири И.Алларов “Бугунги китобхоннинг кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари”, Хи-


ва туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудири Г.Эгамбердиева “Китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва муаммолар” мавзусларида маърузалар ўқиди.

Тадбир сўнггида ходимлар ўзаро фикр-мулоҳазаларини алмашди.

**Ф.КУРБОНБОВЕВА,**  
методика-библиография бўлими библиографа

Миллий гуруҳ

# Тарих зарварақлари...



Миллий гуруримиз, халқимиз обрўсини юксак чўққига кўтарган, Ўрта Осиё ёнда жажондаги буюк мутафаккирлардан бири, Хоразм фарзанди, қомусий олим Абу Райхон Беруний бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти сизу бизга сир эмас. Аммо уни бадиий талқинда кўриш тасаввуримизни янада бойитади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Шўхрат Аббосов Павел Булгаков билан биргаликдаги сценарийси асосида истеъдодли оператор Хотам Файзиев билан ҳамкорликда 1974 йилда “Абу Райхон Беруний” номли фильми суратга олди.

Мазкур фильм Берунийнинг ҳаёт ва илм йўли ҳақида ҳикоя қилади. Ундаги ролларни Пўлат Саидқосимов (Беруний), Бахтиёр Шуқоров (16 яшар Беруний), Раззоқ Хамроев (Абу Ироқ), Бимболат Ватаев (Махмуд Ғазнавий), Шеволод Якут (Қобус), Тамара Шакирова (Зарингиз), Дилором Камбарова (Райхон), Бахтиёр Ихтиёров (Сухроб), Т.Хўжаев (Дамгани), Т.Раҳимов (Ибн Сино) қабила ҳаққоний ва самимият билан ижро эттишган. Томошабин фильми кўрган пайтида, қисқа фурсатга бўлса-да, ўша даврда яшаганини ҳис қилади.


“Бу воқеа минг йил аввал Хоразмда, кўхна ва ўзига хос маданият масканида содир бўлган. Халқ қақроқ чўл билан асрлар оша курашди, анҳорлар казиди, тўғонлар курди, буюк Амударё саҳийлик ила боғлар ва далаларни тўйинтирди. Ер эгаларининг оғири енгил бўлди. Европа ва Осиёни боғловчи йирик савдо йўллари туташтирган Хоразм шаҳарлари кенгайди ва мустахкамлана борди. Бу ерда улуг ғоялар туғилди, геометрия, алгебра, геодезия, фалакиёт, тиббиёт, жўғрофия, тарих ва бошқа фанларга оид ўлмас асарлар яратилди. Урганч ва Кот ҳукмдорлари ихтилофларидан кучсизланган юрт ўша даврларда ёввойи кўчманчилар томонидан аёвсиз талон-тарож қилинарди. Бу воқеага минг йилдан ошди. У даврда бунёд бўлгани ҳам, таназзулга юз тутгани ҳам оз эмасди”. Фильмда экспозиция шундай бошланади. Шунинг ўзидеҳ у давр мураккаб бўлгани, одамларда илм

ўрганишга иштиёқи кучли эканини англатади. Абу Райхон Беруний шахси Пўлат Саидқосимов талқинида гавадланади. Яъни биз Беруний ҳақида билганларимизни энди образда кўрамыз.

Аллома ўрта асрларнинг буюк энциклопедик олимларидан эди.

Унинг буюклиги ўша давр фанларига қўшган бетакрор илмий меросида намён бўлади. Актёр топиломалари, ички кечинмалари бизни алдаб қўймайди, биз “Беруний”ни кўрамыз. Унинг миксидидаги қатъиятли нигоҳи, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан юз ифодаси кишини ўйлантириб қўяди. Наҳотки, инсон шу даражада мукамал бўла олма? Илмпарвар, ҳақиқатпарвар, адолатли, элсевар, эрксевар, ростгўй, пок қалбли, оқил, ақл ва зехнга бой... Бу рўйхат узок давом этади. Фильмни кўриш давомида у шахснинг салбий томонларини кўрмайди киши. Образ айна ҳозирги даврнинг муттаҳам, қаллоб, ёлгончи, ваъдабоз, тошмехр кимсаларига инсон аслида қандай бўлиши кераклигини уқтиради. Воқеалар давомида биз Берунийнинг ҳар бир характери очиб борамиз. Кинорежиссёр Шўхрат Аббосов бунга профессионал даражада ёндашган. Томошабини фильмга кизиктира олиш қобилияти шундан намён бўлади.

Фильмда кўришимиз мумкин бўлган бир қанча образлар бор. Масалан, Райхон тимсоли ўша давр маданиятини очиб берган. Яъни унинг талқинида илмга ташналик ақл этган. Тарихдан хабари борлар аёл кишидан олма ва мутафаккирлар чиқмаганини яхши билар-



ди. Бунга аёлларнинг ўзи эмас, давр тўқсинлик қилгани мазкур фильмда маълум бўлади. Айнан Махмуд Ғазнавийнинг қабиликларини тарих китобларида ўқиган киши унинг сиймосини кўриб, “Бу айна ўша!” деб юбориши ҳеч гап эмас. У адолат нималигини билмайди, одамларнинг сабабсиз қонини тўқади. Берунийга ўзи ҳақида китоб ёзиб қолдиришини буюради. Аллома ҳам у ҳақида китоб битади, яъни амирнинг разилликлари, худбинликлари, шафқатсизларча “одамларни тириклайин ёқиб юборгани, танасидан миҳга осиб қўйдиргани” ҳақида ёзади. Ҳеч қандай илтифотларсиз, жонини ўйламай ҳақиқат, адолат учун ёлғиз ўзи курашади. Умуман олганда фильм қаҳрамонларининг барчаси киноасар юксаклигини кучайтириб берган.

Сценарийда керак ва зарур бўлган воқеалар олинган ҳамда уларга асосланиб, бадиий тўқималар уйғунлашган ҳолда ёзилган. Саҳнада кераксиз воқеанинг ўзи йўқ. Ҳар бир саҳнаси томошабини кейинги жараёнларга кизиктиради, ҳаяжонлантиради, завқ беради. Рассом ҳамда оператор ишлари фильм мазмунини янада бойитган. Декорация ва майда деталларга алоҳида ишланган, уларга алоҳида ургу берилган. Сарой, бошдан оёк кийимлар, грим ва актёрлар образи бир-бирига мослашган.



Маълумки, фильм рус тилида суратга олинган эди. 2018 йил-

да ўчмас из қолдириб кетган кинорежиссёр Шўхрат Аббосов хотирасига бағишлаб, “Абу Райхон Беруний” номли бадиий фильмнинг (ўзбек тилидаги талқини) тақдироти 2018 йил 22 май куни Алишер Навоий номидаги киносаройда бўлиб ўтди.

Овозлаштиришда иштирок этган актёрлар:

Санжар Сатторов, Рустам Насриддинов, Хошим Арслонов, Дилдора Бекжонова, Боийр Холмирозев, Комилжон Шамсиддинов, Элёр Носиров, Пўлат Норматов, Ражаб Адашев, Миртоҳир Миралиев, Хайрулла Саъдиев, Рустам Каримов, Назокат Охунова, Баҳодир Нишонов, Ойбек Одилов, Камрон Саидмуродов, Нодир Мирзааҳмедов, Фарход Худойбердиев, Дилмурод Масаидов, Умар Жумаев, Алишер Отабоев ва бошқалар.

Фильмни кўра туриб, бизда фахр туйғуси пайдо бўлади ва беихтиёр кўзларимизга ёш олишимиз табиий. Бу ифтихор, гуруҳ кўз ёшлари...

Берунийнинг илмий салоҳиятига машҳур шарқшунос олим И.И.Крачковский “У қизикқан илм соҳаларидан кўра, кизикмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир” деб баҳо берган эди. Бобомизнинг дунё ёзувчилари ва ташкилотлари томонидан эътироф этилиши ҳар қандай инсон юрагини жунбушга келтиради:

Фильм мавзуси Берунийнинг золим подшоҳлар даврида илмга интилиши ҳақида. Ғояси эса қайси замон, қайси даврлигидан қатъи назар, адолатли бўлиш, илмга интилиш, кўркув ва васвасаларсиз эркинлик учун, яшаш учун куралиши ҳусусида. Ҳозирги биз яшаётган замонда, мустақил юрдада эркин фикрлай оладиган, ҳақ-ҳуқуқларимизни беамалол ҳимоя қила оладиган замонга келиб, эринчоқлик, ялқовлик ҳислатларини юқтириб олган-

лар кам эмас. Одамларнинг соф туйғуларини ҳурмат қилмайдиган, инсоний қадр-қимматни билмайдиган, ҳақиқатдан кўра ёлгон мулозаматларни айтишни маъқул кўриб, қандайдир лавозимга эга бўладиганлар ҳам ҳали-ҳақон топилади. Шўро ва ундан кейинги замонларда ҳам ота учун фарзанд жавоб бериши ҳолатлари учрар эди. Бу ҳислатлар одамзодга неча асрлардан бери мерос бўлиб қолган экан-да! Ундаги олимларнинг ақлзаковати, ҳақиқат учун кураши нима учун авлодлар қонига сингмади, нега фақатгина салбий ҳислатлар – дангасалик, бемеҳрлик, шафқатсизлик, бировнинг жонини, дилини оғритиш ўрнига соф мухаббат, одамлилик ҳисси, илмга чанқоқлик, дунёда яхши ном қолдириш каби туйғуларнинг қадр қолмади?

Замон бошқача, деймиз. Аслида замонни ёки инсонлар бошқачами? Борган сари илмсизлик қомига тушиб кетмаяпмизми? Жаҳонга Ўзбекистон номини қай даражада танитапмиз? Қайси кашфиёт ёки санъатимиз орқали юқори чўққига чиқаяпмиз? Фильмни кўрганимизда мана шундай саволлар бизни ўйлантиради... Назаримда, “Абу Райхон Беруний”га ўхшаган фильмларни кўпроқ ишлашимиз, олтин фонд”имиздаги ўзбек тилида мавжуд бўлмаган асарларимизни овозлаштиришимиз, сценарийлар ёзишимиз, актёрлар улар даражасидаги руҳда тарбиялашимиз керак. Шундагина ўтмишимизни, ким эканлигимизни бутун дунё билди, тан олади! Бутун сиз билан тахлил қилган, эсланган фильмимиз ҳам тарих зарварақларига муҳрланиб, биз – янги авлодлар учун ажойиб намуна, ўрнак бўлиб қолади.

**Наргиза САИДБОВЕВА,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Кино санъати танқиди ва таҳлили” йўналиши талабаси

Гастроль сафари

## Бугун ижод майдонида...



Хабар берганимиздек, шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Қозоғистон Республикасида гастроль сафарида бўлиб турибди.

Сафар давомида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев бошчилигидаги театр жамоаси "Иймон" спектакли намойиши билан барча ихлосмандлари ва қозоғистонлик

ҳамкасблари эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, мазкур ижодий ташир давомида ҳамюртларимиз қардош халқнинг Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтадиган қозоқ халқининг давлат ва миллий байрами "Елорда-онер олкеси" ижодий кечаси ҳамда К.Куанишбаев номидаги Қозоқ давлат академик музыкали драма театри янги бина-

сининг очилиш тантанасида иштирок этдилар.

Ўйлаймики, икки давлат ва миллат ижодкорлари ўртасидаги бу каби ўзаро тажриба алмашиш мавжуд ҳамдўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида янгидан-янги ғоялар, юқори савияли саҳна асарларининг туғилишига замин яратди.

Янги Ўзбекистонда

## Эркин ва фаровон яшайлик

Юртимиз, хусусан, вилоятларимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотларни аҳолининг барча қатламларига етказиш, маҳалла ва қишлоқларда маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ва концерт дастурларини "маҳаллабай" тарзда ташкил этиш мақсадида "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик" шиори остида тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

29 июнь кунини эл севган санъаткорлар, танikli шоир ва ёзувчилардан иборат тарғибот гуруҳи Урганч туман ҳокимлиги биноси олдида илк кутиб олинди. Шу муносабат билан ўтказилган маданий-маърифий тадбир кўпчиликлари манзур бўлди. Кечада Ўзбекистон давлат сатира театри актрисаси Севара Ҳамроқулова, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри актёри Қобил Умиров, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зикрилла Неъмат ҳамда Дилшод Ражаблар иштирок этиб, юртошларимиз кайфиятини кўтаришди.

Шароф

## Ватанга хизмат



2021 йил 27 июнь кунини Шовот туманида жойлашган Жанубий ғарбий маҳсус округдаги ҳарбий қисмда "Ватанга хизмат қилиш шарофдур менга" номли тантанали тадбир ўтказилди.

Унда Урганч шаҳар маданият бўлимига қарашли маданият марказлари (ҳодимлари) хонандалари ватанни удуғловчи қўшиқлари билан фаол қатнашдилар.

Самарқанд сайқалида

## Сайёҳлар учун томошалар



Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри Регистон ансамблидаги Шердор мадрасаси майдонида Каттақўрғон шаҳар драма театри жамоасининг комедия жанридаги "Туркистон табиби" номли спектакли намойиш этилди.

Эндиликда мазкур саҳна асари хорижий давлат ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюраётган сайёҳлар мароқли маданий ҳордик олашлари учун ҳафтаининг ҳар пайшанба ва яқшанба кунлари намойиш қилиб борилади.

Халқ педагогикаси

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг эпик табиати, оғзаки ижоди анъаналари муштаракдир. Уларнинг қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётганлиги тил ва тақдир яқинлиги, маданий-адабий алоқаларнинг узоқ тарихга эга эканлиги каби омиллар билан асосланади. Генетик асоси бир бўлган ўзбек-қорақалпоқ оғзаки ва бадиий ижодиёти анъаналари типологик ва ўзаро алоқадорлиги ёрқинлиги билан характерланади. Айниқса, бахши ва жировларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, ижро услуби ўхшашлиги, устоз-шогирд муносабатлари билан бир-бирига ҳамоҳангдир.



# Оталар ҳам алла айтишган

Қорақалпоқ халқининг ўтмиши ва (баъзи ҳолларда) бугунда бешик жири намуналарини оналар билан бирга оталар ҳам фарзандларига айтиб беришган. Оналар алласи "ҳаййу" деб аталса, оталарнинг аллалари "ғанг-ғанг" ёки "ҳеннай" деб аталади.

*Ҳеннай, ҳеннай, ҳен-на-най...  
Алалай менен булалай-ай,  
Ат бўлмай-ма жорғатай,  
Ай балам менинг ер жетар-ай,  
Жау-жарағи-ай, сайма-сай,  
Ҳеннай, ҳеннай, ҳен-на-най.*

Оталар куйлайдиган бешик жири намуналари, яъни аллалар халқ терминологиясида "термишлар" деб юритилади. Термаларни жиров-бахшилар ижро этса, термишлар оталар томонидан фарзандларига айтиб берилган. Термалар асосан бир йўналишида ижро этилса, термишлар ҳар хил жанрдан олинган бўлиб, бир неча мавзуда айтилади.

*Мўйтен-қонират жол баслар,  
Қитай-қитшақ қол баслар,  
Кенегес-манғит той баслар,  
Бизинг бала ғоддаслар.*

Ҳеннай, ҳеннай, ҳен-на-най... деган сатрларни ибора, мақол ва насихатга ҳам киритиш мумкин. Болани овутиш учун айтилган баъзи аллаларнинг сўзлари чухур маънога эга. Хусусан:

*Алтинда тас, тас-тас,  
Алтин бироқ басқа тас,  
Алтинга алтин қўйсилса,  
Алтининг алит тасламас,  
Ҳеннай, ҳеннай, ҳен-на-най.*

Ижодий учрашув

# Таътилни мазмунли ўтказайлик!



Ёшлар вақтини мазмунли ташкиллаштириш, театр санъатига бўлган қизиқишларини ошириш, маданий-маънавий ижодий учрашувларни тез-тез ўтказиш мақсадида "Менинг юртим" телеканали қошида ташкил этилган "Ёш журналистлар" мактаби ўқувчилари таниқли журналист Гулноза Соқиева бошчилигида Андижон вилояти қўғирчоқ театрида бўлиши.

Ижодий учрашувда ўқувчи-ёшлар театр тарихи, актёрлик касбининг қизиқарли жиҳатлари, қўғирчоқ театр санъатининг ўзига хос жанрлари ҳақидаги саволларига жавоб олишди.

Айниқса, актёрлар томонидан қўғирчоқларнинг жонлантирилиши ёш ижодкорларга чексиз завқ бағишлаб, бевосита маҳорат дарсининг амалий таъсир кучи кўпроқ таъсирга эга экани ва кўтаринки рух, ижодий туртки берганлиги таъкидланди.

Шерзод ДЕҲҚОНОВ

Қорақалпоқ халқининг оталар айтадиган бешик жири бола тарбиясида ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини юқорида таъкидланган аллалардан ҳам билиш қийин эмас. Шундай аллалар ўзбек оталари томонидан ҳам айтилган ва ҳозирда ҳам баъзи вилоятларда сақланиб қолган. Асосан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига тегишли бўлган аллалар "ҳуйё-ҳуй" деб аталади. Бу аллалар оталар томонидан фарзандни овутиш учун айтилган деб қаралади.

*Гавҳар болам, ҳуйё-ҳуй,  
Олтин болам, ҳуйё-ҳуй,  
Пўлат бўлсин бошинанг,  
Султон болам, ҳуйё-ҳуй.*

Лекин матнга яхшилаб эътибор қаратсак, бу сўзларнинг туб маъносини англашимиз мумкин. Фикримизча, ота фарзандини нафақат овутиятти, балки уни дуо ҳам қиляпти. Шу ўринда ардоқлаш, суюш, авайлаш туйғулари билан бир қаторда юракдаги бор меҳрини, дилидаги барча дуоларини шу алла орқали фарзандига билдириятти.

Юқоридаги "ҳуйё-ҳуй" да ота фарзандини ову-



тиш билан бирга дуо қилаётган бўлса, бунисида насихат ҳам қиляпти, ҳам эркаляпти, қолаверса, ўхшатиш ҳам қиляпти.

*Ота-онанг ўйлагин,  
Дона қилиб сўйлагин,  
Зебо қиздан сайлагин,  
Кувё болам ҳуйё-ҳуй,  
Отам болам ҳуйё-ҳуй.*

Аждодларимиздан бизгача етиб келган бу аллалар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб ўсишида жуда катта аҳамиятга эга. Лекин минг афсуслар билан шунини айтиш жоизки, ҳозирги кунга келиб оталар тугул баъзи оналар ҳам фарзандларига алла айтмай қўйишган. Бу катта фожиа десак, хато қилмаган бўлаемиз. Алда эшитиб улгайган бола келажакда албатта юксак манавиятли шахс бўлиб улгайишни барча оналар ҳис қилиши керак. Шунинг учун бу борада қилинадиган ишлар бисёр.

Ёш оналарга алла эшитиб катта бўлган бола билан алла эшитмаганининг фарқи тушунтирилиши, бу борадаги қўлпаб кўрсатув ва эшиттиришлар омма эътиборига ҳавола этилиши, экспедициялар, илмий тадқиқотлар ўтказилиши, аллани тарғиб қилувчи маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ҳамда фестиваллар ташкил этилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина номоддий маданий меросимиз саналган аллаларнинг (оталар алласи) яна бир авлодга етиб боришини таъминлаган бўлаемиз.

**Ҳ.ҲҲҲАЕВА,**  
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи



## Шербод дostonчилик мактаби

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков жорий йилнинг 1 – 3 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида соҳа фаолиятини танқидий баҳолаб, тизимни тубдан ислоҳ қилиш бўйича вазифалар белгилаб берган эди.

Шунингдек, Термиз шаҳридаги Республика бахшчилик санъати маркази фаолиятини қониқарсиз

баҳолаб, унга узоқ йиллар давомида Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси ўринбосари вазифасида фаолият юритган Умид Норбоевни директор этиб тайинлаганди.

Ислохотлар натижасида 2021 йил 23 июнь кунлари марказда устоз-шоғирд анъанасига кўра, “Шербод дostonчилик мактаби” мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда бахшчилик ва дostonчилик

ҳақида, Шербод дostonчилик мактаби тарихи ва унинг ўзига хослиги, шу йўлда ижод қилган бахшчилар ва уларнинг шажаралари тўғрисида маълумотлар берилди.

Семинарда Республика бахшчилик санъати маркази ходимлари ҳам иштирок этишди.

**М.ҚАРИШЕВА,**  
Республика бахшчилик  
маркази илмий ходими

## Бизнинг суҳбат

Бугунги суҳбатдошимиз халқимиз ардоғидаги таниқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Муқимий номидаги мусиқали драма театри раҳбари Александр Бекжонов бўлади.

# Раҳбарлик — масъулият, эл корига яраш — бахт

Салкам 40 йилдан буён ушбу дарғох тупроғини кўзига тўтиё қилиб, касбига садоқат билан хизмат қилиб келатган фидойи санъаткоримиз яқинда катта ишонч билдирилиб, шу театрга раҳбарлик лавозими топширилди. Бу бежиз эмас... Театрнинг олий тоифали солист-вокалисти, ўз вазифасини сидқидилан бажарадиган маҳоратли актёр, ҳамкасбларига яқин дўст, ёшларнинг меҳрибон, жонкуяр устози сифатида жамоа хурмати қозонган самимий инсоннинг театри ҳам моҳирона бошқара олишига шубҳа йўқ.

Уларга бошчилик қила бошлаган янги директорни эса иш устида учратдик. А.Бекжонов жамоаси билан шанбалик ўтказатган экан. Кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат кўрсатиб, аҳилликда иш олиб боришга чорлаётган янги раҳбардан жамоа мамнун экани уларнинг юз-кўзидан сезилиб турирди.

Шанбалик қизгин давом этмоқда: йигитлар қуриб ётган даракларни кесиб, саранжомлаш, аёллар театр ҳудудини супуриб, экинзор, гулзорларни сугориш билан овора. “Бирор ярим соат қутиб туrolмайсизми?” – сўради театрининг матбуот котиби Феруза Ҳолиқова ям-яшил боғ ўртасида жойлашган салқингина кўшкдаги ўриндикларга ишора қилиб... Ҳашарчилар орасида Наима Пўлатова, Боир Холмиразев, Меҳмоноли Салимов, Турғун Бекназаров каби устоз санъаткорлар ҳам бор.

Кўп куттирмай иш кийимларининг чангини қоқиб, театр раҳбари ҳам келиб қолди. Ишчан кайфиятдаги жамоасига ишора қилиб “Таътил олдингдан ҳаммаёқни тозалаб, орасалаб қўйишяпти, кейин иш бошлаш осон кечади...” деди ва қўшиб қўйди “умуман ҳар хил чқиндилардан ўз вақтида поклаиб турган яхши, бу ишимиз самарадорлигини таъминлайди...”

Суҳбатимиз аввалида театрга яхшигина ўзгаришлар қилиб, хайри ишларни бошлаб қўйган, аммо шифқатсиз касаллик туфайли ёруғ оламни тарк этган собиқ раҳбар, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди: “Мирзахон менинг дўстим, сафдошим, маслақдош ҳамкасбим эди. У директор, мен труппа раҳбари, касба уюшмаси раҳбари сифатида театр жамоасининг ишчанлиги, аҳиллик билан фаолият олиб боришларига шароит яратишга интилдик. Афсус, умри қисқа экан. Аммо ўзидан кейин яхши хотираларни қолдириб кетди...”

**– Демак, қадрдон жамоангизга раҳбарлик қилиш айтарли қийин бўлмайди, чунки жамоа аъзоларининг ҳар бири билан яхши танишиш, шундайми?**

– Албатта, улар менинг оила аъзоларимдек бўлиб қолишган. Ҳаммалари ҳам ўз касбини яхши кўрадиган, театрни ардоқлайдиган инсонлар. Аммо санъатга тасодифан кириб қолганлар ҳам учраб туради. Шунинг учун баъзан меҳрибон, баъзида қаттиққўл бўлишга тўғри келади. Айниқса, ёшлар тарбияси ҳусусида сўз борганда муносив устозлар ибратини унутмаслигимиз керак.

**– Дарвоқе, ёшларга ибрат бўла олиш ҳам катта авлод вақиллари учун шараф. Бунинг учун ўз ҳаёт йўлларини тафтиш қилиб туриш ҳам фой-**



дадан холи бўлмайди. Шу маънода санъатга кириб келишингизга сабаб бўлган омиллар ҳақида сўзлаб берсангиз, токи бу ёшларга ҳам, фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган ота-оналарга бирдек қизиқарли...”

– Оиладан беш фарзанднинг тўртинчисиман. Ўрни келганда айтай, кўплар исимим нима учун Александр эканига қизиқишадим. Менинг онам рус миллатига мансуб эди. Лекин Хоразмнинг Хонқасида маҳаллий аҳоли билан жуда яхши алоқада бўлган. Яхши келин бўлиб, уларнинг меҳрини қозонган. Катта опам мени бекор юрмасин деб мусиқа мактабига кириштиб қўйган. Миллий мусиқамизга, умуман санъатга бўлган илк қизиқишим шу ердан бошланган. Бешинчи синфдан бошлаб тўрт йил ўзбек халқ чолғу асбобларидан бўлган қашқар рубоби чалишни ўрганганман. Кейин “училище” ҳозирги коллежда, ундан кейин Театр ва рассомчилик институтида ўқиганман. Айтмоқчи бўлганим, ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан болалар мусиқа ва санъат мактабларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Болаларга мусиқа санъатини нечоғлик эрта ўргатсак, онгига сингдирсак, бу келажакда албатта ўз мевасини беради. Шу маънода миллий мусиқамизга ҳавас уйғотган устозларим, бунга сабаби бўлган катта опамдан миннатдорман.

Демак, инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида эрта болалик чоғи муҳим аҳамиятга эга. Шу даврда қандай кўнимка хосил бўлган бўлса, улгай бошлаганда бунинг таъсири сезилади. Агар оиламиз мисолида айтадиган бўлсам, умр йўлдошим, Ўзбекистон халқ артисти Меҳри Бекжонов билан жамоада ҳам, оилада ҳам биргамиш. Фарзандларнинг жуда ёшлигидан санъатга меҳр қўйишида оилавий муҳитнинг ҳам таъсири катта экани сир эмас...

**– Театрда ёш артистлар кўп экан. Улар билан ишлашда нималарга эътибор бериш зарур деб ўйлайсиз?**

– Тўғри, жамоамизга келиб қўшилаётган ёш, ғайратли навқирон истеъодлар кўп. Уларни энди касбага ўргатиш, санъатга янада меҳр уйғотиш учун таъкидлаганимиздек, аввало, ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Қолаверса, вақти келганда миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишлари, оммавий маданиятга муккадан кетмасликлари учун ҳам доимий назоратимизда бўлишлари, холис маслаҳат, ўғитларни тўғри қабул қилишларига кўникириш керак. Ўз навбатида ёшларнинг қизиқишлари, орзу-интилишларига ҳам бефарқ бўлмаслик, фақат уларни тўғри йўналтира олишимиз даркор. Бу биз катталарнинг долзарб вазифамиздир. Ахир театрни бекорга ибратхона дейишмайди. Санъат кишининг ҳар бир қадами эл назарига бўлади. Шунинг учун таъкидлаганимиздек, аввало, ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Қолаверса, вақти келганда миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишлари, оммавий маданиятга муккадан кетмасликлари учун ҳам доимий назоратимизда бўлишлари, холис маслаҳат, ўғитларни тўғри қабул қилишларига кўникириш керак. Ўз навбатида ёшларнинг қизиқишлари, орзу-интилишларига ҳам бефарқ бўлмаслик, фақат уларни тўғри йўналтира олишимиз даркор. Бу биз катталарнинг долзарб вазифамиздир. Ахир театрни бекорга ибратхона дейишмайди. Санъат кишининг ҳар бир қадами эл назарига бўлади. Шунинг учун таъкидлаганимиздек, аввало, ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Қолаверса, вақти келганда миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишлари, оммавий маданиятга муккадан кетмасликлари учун ҳам доимий назоратимизда бўлишлари, холис маслаҳат, ўғитларни тўғри қабул қилишларига кўникириш керак. Ўз навбатида ёшларнинг қизиқишлари, орзу-интилишларига ҳам бефарқ бўлмаслик, фақат уларни тўғри йўналтира олишимиз даркор.

Сайёра РИХСИЕВА



Александр Бекжоновнинг “Прометей” мусиқали драмасидаги Гефест, “Муҳаббат навоси”да Мирзатоғай вазири, “Сойибхўжа операцияси”да Турсунбой, “Мушкул савдо”да Остон, “Топталган туйғу”да Мағлаб, “Муҳаббатим – қисматим”да Норбек, “Қайнонам – Ойнонам”да Шаҳоб, “Таровдаги муҳаббат”да Ақобир роллари ҳамкасблари, мухлислари томонидан яхши кутиб олинган... Шунингдек, қатор кинофильмлардаги ролларини маромига етказиб ижро этгани, “Жалолиддин Манғуберди” видеофильмидаги Нуриддин, “Шайтанат”да НКВД ходими, “Қора от”да милиционер, “Чархпалак”да ҳофиз образлари ўзига хослиги, Навоий, Бобур, Машраб ғазаллари билан қуйланадиган қўшиқлари ижросидаги ширали, ёқимли овози билан томошабин меҳрини қозонгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз...

Шундай қилиб театрга кириб борар эканмиз, неке санъат даргалари ижод қилган табаррук масканда Раззоқ Ҳамроев, Махмуджон Ғофуров, Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб Хўжаев, Фароғат Раҳматова, Ҳамза Умаров, Сурбат Пўлатов, Турсунхон Жабборов ва, Хусан Шарипов каби улғу инсонларнинг, шунингдек, яқиндагина жамоасини армонда қолдириб, айни гуркираган ижодий фаолият чоғида бу ёруғ оламни тарк этган Мирза Азизовнинг пок руҳлари кезиб юргандек туюлди.

Ҳозирги кунда ҳам ўз ижодини давом эттириб ёшларга касб сирларини ўргатаётган, бетакрор роллари билан халқимиз қалбидан жой олган Ҳамид Тўхтаев, Меҳмоноли Салимов, Марьям Ихтиёрова, Наима Пўлатова, Боир Холмиразев, Александр Бекжонов, Меҳри Бекжонов ва, Турғун Бекназаров, Тоҳир Раҳимов, Малика Қажонова, Гулчехра Носирова, Мақсуда Отажонова каби таниқли актёрлар ва ўз истеъодиди, изланиши, интилиши билан назарга тушган истеъодли ёшлар бир-бир кўз олдимиздан ўтди.



## Истиқболдаги режарлар

# Соҳа ислоҳоти йўлида

25 июнь кунлари Маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, пириқардада истиқболдаги режарларни белгилаб олиш мақсадида Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Б.Аҳмедов иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда соҳа бўйича таълим олишининг узлуқсизлигини, ижод ва ижрочиликни ривожлантиришнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларидаги ўқиш муддатини қайта кўриб чиқиш, бахшчилик, рақс, театр, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича фаолият юритаётган мутахассислар, шунингдек, маданият марказлари, театрлар, музейлар, ижодий жамоалар ва бошқа маданият муассасалари раҳбарлари ва ижодий ходимларининг малака ошириш тизимини йўлга қўйиш каби бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.



Йиғилиш давомида Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданият ва санъат ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтини ташкил этиш, Болалар мусиқа ва санъат мактабларида фаолият кўрсатаётган олий маълумоти мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёз ҳамда преференцияларни умумтаълим мактабларига тенглаштириш зарурлиги юзасидан тақлифлар берилди.



28 июнь кунлари эса вазири ўринбосари Тошкент вилояти ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабига бўлиб, таълим маскани фаолиятини кўздан кечирди. Яъни мавжуд шарт-шароитлар, янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳамда қабул жараёни билан ҳам қизиқди.

Ташриф давомида Б.Аҳмедов муассаса фаолиятини янада такомиллаштириш, янги ўқув йилида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар ва қабул жараёнларидаги ҳолатни янада яхшилаш юзасидан зарур кўрсатма ва тақлифларини бериб ўтди.

Тайинлов

## Ишонч ва масъулият



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 186-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали ташкил этилди.

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Б.Аҳмедов бошчилигида Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган йиғилишда иккита ташкилий масала кўрилди.

Унга кўра, ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида фаолият юритиб келаётган доцент Рудакий Алланбаев консерваториянинг Нукус филиалига директор этиб тайинланди.

Эслатиб ўтамоқчи, Нукус филиалига қабул жараёнида консерватория биносида ташкил этилиб, 2022-2023 ўқув йили машғулотлари Нукус фи-

лиалининг ўз биносида олиб борилади.

– Ишонамиз, Рудакий Алланбаев ўзига юклатилган вазифага масъулият билан ёндашиб, соҳа ривожига учун хизмат қиладиган малакали кадрларни тайёрлашда бор билим ва тажрибасини ишга солади – дейди Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов.

Янги спектакль

2019 йил 19 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган йиғилишда “Ешлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус” белгилаб берилган эди.

## “Пул сеҳргарлари”

Унинг ижроси доирасида Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев ва Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи Ж.Т.Жўраевлар томонидан тасдиқланган Чирокчи туманида 2020-2021 йиллар давомида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2020 йил 6 ноябрь куни туман маданият марказида Ўзбекистон Ешлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев кўллаб ёшлар билан учрашиб, уларнинг фикрларини тинглади ва муаммоларини жойида ҳал қилишга уринди.

ят ходими Хайитмат Расул, Чирокчи туман ҳокими Хуррам Жўраев ва Қамаш туман ҳокими Ботир Тоғаевлар, сектор раҳбарлари Баҳодир Худойқулов, Актамали Бешимқулов, Бахтиёр Усмоновлар сўзга чиқиб, спектакль ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Барча иштирокчиларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари ва ташаккурномалари топширилди.

Мана уч ойдири, ушбу спектакль туман маданият маркази сахнасида намойиш этиб келинмоқда. Асосий томошабинлари ўқувчилар ва ўқувчилардир.



Шу куни Давлат хавфсизлик хизмати туман бўлими бошлиғи Рустам Сапарбоев ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг театр санъатига бўлган қизиқишларини ошириш режалари хусусида гапирди. Ушбу режага мувофиқ хориж ёзувчиси Бодо Шефернинг “Пул алифбоси” асари асосида “Пул сеҳргарлари” номли инспекторликни ёзилиб, Чирокчи туманининг 10га яқин мактаб ўқувчилари ўртасида танлов ўтказилди.

Туман халқ таълимига қарашли мактаблардан 17 нафар ўқувчилар танлаб олинди, сахнада 14та образ устида иш бошланди. 4 ой давом этган жараёнлардан сўнг спектакль сахна юзини кўрди. Декорацияларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Шухрат” медали соҳиби, рассом Азамат Сатторов, мусикий сайқал берувчи Баҳодир Максимовлар меъёрига етказиб амалга оширилди. Спектакль харажатлари туман ҳокими Хуррам Жўраев томонидан қопланди.

“Пул сеҳргарлари” сахна асари ёшларимизни камбағалликдан қандай чиқиш ва ҳалол меҳнат билан пул топишга қўлайди. Бугуннинг талаби бўлган тадбиркорликка ва пулнинг қадрига етишга ўргатади.

2021 йил 27 март – Халқаро театрлар куни муносабати билан “Пул сеҳргарлари” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хайитмат Расул меҳмон бўлди. Шунингдек, туман ҳокимлари, депутатлар, ота-оналар ва мактаб раҳбарияти ҳам қатнашишди. Спектакль сўнггида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мадани-

Маблумки, милоддан аввал V асрда юнон, II асрда Рим театрлари пайдо бўлган. Театр санъати асосан режиссёрларга боғлиқ бўлиб, ўз қисбининг усталарига талаб юқори эди. Кейинчалик профессионаллар камайиб кетди. Товстоногов, Ефремов кабилар Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида малака ошириб келган кучли режиссёрлар бўлган. Бугунги кунда ҳам маҳоратли режиссёрлар талайгина.

Санъат арбоблари Карим Йўлдошев, Мансур Равшанов, Баҳодир Назаров, Толибжон Ҳамидов ва бошқалар шулар жумласидандир. Қашқадарё вилоят театрига Мулла Тўйчи Тошмуҳаммадиевдек профессиональ режиссёрлар керак, албатта. Улар катта палатнода асарлар сахналаштириш билан бирга шогирдларга сабоқ бериб, касб сирларини ўргатиб боришади. Бундай санъат арбоблари жуда кўп китоб ўқишади. Театр ва рассомлик санъати институтида ўз вақтида жуда кучли мутахассис ўқувчилар бўлишган.

Афсуски, бугунги кунда асл маҳорат эгалари камайиб, сахнага нима учун чиққанини унутиб қўядиган даражадаги ҳолатлар кўзга ташланыпти. Нега биз фақат “Қайнона-келин” можароларини томоша қилишимиз керак? Қани классик асарлар? Бундай асарларни яратиш учун билимли ва маҳоратли режиссёрлар зарур. Бадиий эмакдошга келсак, театр санъатини ахши тушунадиган, кўп ўқиб, изланадиган театршунослар керак...

**Б.БЕГАНЖИЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр

Эслаб-эслаб...



## Санъатдан бахтини топганлар

Асл миллий қадриятларимиз ва аъёналаримиздан бири бўлган тарихий хотира билан яшаш, устозларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу хислатдир.

2021 йил 19 июнь куни Қувасой шаҳар Маданият бўлими тасарруфидаги Марказий маданият марказида рақс усталари Шаҳнозаҳон Ширматова ва Муқаддамхон Муллаҳаҷимовалар ташаббуси билан ўзбек миллий санъатининг гултожи бўлган, рақс санъати тарғиботчиларидан бири, “Зулфия” мукофоти совриндори Гулҷаҳраҳон Ҳайдарова ҳаёти ва ижоди ҳамда уетиштирган шогирдлари ҳақида “Эслаб-эслаб” лойиҳаси асосида “Санъатдан бахтини топганлар” номли маданий-маърифий, оммавий театрлашган тадбир бўлиб ўтди.

Унда шаҳар жамоатчилик вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари, маданият маркази ишчи-ҳодимлари, Гулҷаҳраҳон Ҳайдаровани яқиндан таниган инсонлар, оила аъзолари, қариндошлари, ундан таълим ва тарбия олиб, бугунги кунда

ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаган шогирдлари ҳамда рақс санъатига ошно ёшлар фаол иштирок этишди.

Тадбирда Гулҷаҳраҳон Ҳайдарова томонидан ташкил этилган “Қувасой юлдузлари” рақс гуруҳи аъзолари ўз ижролари билан томошабинларга маънавий озуқа улашдилар. Шунингдек, жажжи қизалоқлардан иборат “Чақмоқ”, “Шодлик”, “Жозоба” каби рақс гуруҳларининг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди.

Кеча давомида тадбир иштирокчилари Г.Ҳайдарова босиб ўтган ижодий йўл ва у эришган ютуқларга тахсинлар айтиб, санъатдан осонликча бахт топиб бўлмаслигини аңглаб етдилар.

Ўз навбатида Г.Ҳайдарова ҳам ташкил этилган ушбу ажойиб тадбир учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигини билдириб, бундан кейин ҳам келажак авлодга санъат сирларини ўргатишда давом этишини билдирди.

**А.КОМИЛОВ, Н.МАХМУДАЛИЕВА,**  
маданият маркази ходимлари

Дўстлик фестивали



## “Қадриятлар кадр топган ЧУСТИМСАН!”

30 июнь куни Чуст тумани Ғова қишлоғида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги олдида “Миллат бирдамлиги – Янги Ўзбекистон таянчи” шiori остида “Қадриятлар кадр топган ЧУСТИМСАН!” деб номланган дўстлик фестивали ўтказилди.

Унда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов иштирок этди.

Тадбирда ўзбек, қирғиз, тожик, молдаван, татар, рус миллати вакиллари ҳам қатнашдилар. Шунингдек, спорт, бадиий гимнастика, ёр-ёр, келин салом, алла, шеърхонлик,

миллий ўйинлар, рассомлик бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Фаол иштирокчилар ўртасида “Энг фаол тадбир иштирокчиси”, “Энг фаол жамоа”, “Энг фаол китобхон” танловлари ҳам ташкил этилди.

Қизиқарлиси, 35 та қозонда маҳалла раислари ўртасида “Энг лаззатли ош” танлови ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Фестивалга таникли хонандалар ҳам таширф буюриб, ўз ижролари билан барчанинг кўнглини шод этдилар.

Янгича ёндашув



Бетақорр ижод

Маргилон шаҳри азалдан маданият ва санъат соҳасида илдам ривожланиб, санъатнинг деярли барча йўналиши, айниқса, ашулачилик, созандалик, кизикчилик, аския, рақс каби турлари бўйича доимо олд ўринларда тургани маълум. Шу шаҳарлик ҳофизу созандалар, сўз усталари Муҳиддин Қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Уста Олим Комилов, Тамараҳоним, Маматбува Сатторов, Болтабой Ражабов, Юсуфжон Кизик Шакаржон, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар ўзларининг ноёб санъатлари билан бутун Ўрта Осиёда машҳур эдилар.

# Сеҳрли қўллар соҳиби


Уста Олим Комиловни билганлар, у киши билан ҳамсуҳбат бўлганлар қолдирган хотираларга кўра, ўрта бўйли, қотма, юзлари ажинли, оппоқ соқолли, нуруний бир инсон кўз олдимизга келади. Кексаянгида ҳам ёшлардек ғайратли, кўпни кўрган кўзлари яриқар, ишлашга доим тайёр турган узун бармоқлари доирадан шундай товушларни янгратад эдики, уни эшитган киши Уста Олим ижро этаётганини дарров сезарди, саҳнага чиққанида эса ғайратига ғайрат қўшиларди.

Санъаткор 1875 йил Маргилон шаҳрида тўқувчи – косиб Комил ака оиласида туғилган. Ун ёшга тўлиб-тўймай унинг ота-ониси вафот этади. Ёшлигидан ёланма деҳқонлик билан шугулланиб, кейинчалик аравасозга шогирд тушади ва тезда арავа ясаш хунарини эгаллайди. Исмнинг ёнига уста сўзи қўшиб айтилиши ҳам бежиз эмас эди. Лекин бу касб уни қизиқтирмади. Ёшлигида турли йиғинларда чуқур маъноли халқ рақсларини, жўшқин тўйбоп ашула ва лапарларни, рақсларни завқ билан эшитар ва кўрарди. Кейин яқка ўзи – ҳеч ким йўқ пайтларда қўлига доира олиб чалар ҳамда бундай оддий асбобдан шунчалик кўп ва ранг-баранг товушлар чиқариш мумкинлигига ҳайрон бўларди. У мусиқа чолғуларидан чанг, дутор, ногора (буларни ўзи ясарди) ҳам чалган, лекин чилдирмага муҳаббатига бошқача бўлиб, бу унда умр бўйи сақланиб қолади. Вақт ўтиб, маргилонлик машҳур доирачи Масайд ота Олим Комиловни ўзинга шогирд қилиб олади. У Маргилонда мусиқа тўғарақларини ташкил этиб, асосан ёшларни жалб қилади.

1926 йилнинг май ойида Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигида этнографик труппа Маргилонга гастрол сафари билан келади. Унда эндигина санъатда ўз фаолиятини бошлаган ёш раққосалардан Тамараҳоним, Гаҳвар Раҳимова, созандалардан Отаҳўжа, Орифжон ва бошқалар иштирок этади. Иктидорли мусиқачи ҳақида эшитган Муҳиддин Қори Ёқубов билан Тамараҳоним уни труппаларига мусиқачи сифатида ишга тақлиф қиладилар. Қори Ёқубов бу санъат гаҳварини аста-секин саҳнага тортади. Олим Комилов бора-бора бутун Ўзбекистон ва собиқ Иттифоққа танилади. Хотини Бегимхоним билан қайинсинглиси Нурхондаги санъатга иштиёқ, уларнинг ҳам Уста Олим Комилов изидан саҳнага чиққанларига сабаб бўлади.

Шу тарихка профессионал артистик ҳаёти бошланади. Труппа гастролларга чиқиб, мамлакатимизнинг турли жойларига боради. Москва, Санкт-Петербург, Вок аҳолиси ёш ўзбек артистларини жуда яхши кутиб олишади. 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган собиқ Совет Иттифоқи халқлари олимпиадасида Уста Олим Комиловга виртуоз доирачи номи берилади. Москвадан қайтган, у нафақат миллий рақслар бўйича маълумот тўплайди, балки янги усулларни ҳам яратди. Санъаткор 120га яқин усулларни ёдда сақлаган ва уларнинг ярмини ўзи кашф этган.

Агар биз Тамараҳонимни ўзбек рақси онаси деб ата-сак, Уста Олим Комилов отасидир. Бу атоқли ўзбек созандаси ва ашқоб иктидорли раққосанинг кўп йиллар давомида бирга ишлашлари ҳам тасодифий эмас. Улар-



нинг ижодий ҳамкорлиги остида “Гул ўйин”, “Занг”, “Садр”, “Пилла” каби кўплаб ноёб асарлар дунёга келди. Тамараҳоним ва Уста Олимнинг саҳнага чиқишлари тантанали бир воқеа бўларди. Концертлари доимо муваффақиятли ўтарди.

Лекин ҳар бир инсон ҳаётида бир умр ёдда қоладиган воқеалар бўлади. Олим Комилов ҳам шундай тотли онларни бошдан кечирди.

1935 йил Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган халқаро фольклор фестивалида қатнашиш учун Ўзбекистондан Тамараҳоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов ва Абдуқодир Исмоиловлардан иборат санъаткорлар, шунингдек, РСФСР, Украина, Закавказьедан ҳам вакиллар боришади.

Ўзбек труппаси дастурига “Пилла”, “Гул ўйин”, “Садр” ўйинлари киритилган эди.

Бироқ Уста Олим Комиловга сафар бошидаёқ азоб бера бошлаган дард Лондонда чидаб бўлмас даражага етди. Пешонада ҳосил бўлган ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан бошқа иложи йўқ эди. Операция ҳосиладагидек ўтган бўлса-да, бемор ниҳоятда ҳолсиз кўринарди. Фестивалда унинг ўрнини боса оладиган одам йўқ. Лекин кўрик куни Уста Олим иродасини қўлга олиб, қандай бўлмасин концертда қатнашишини айтади. Шифокорлар унинг саҳнага чиқишига қарши эдилар. Шунда у “Агар ўлим хавфидан бўлсам ҳам, мен бари бир саҳнага чиқмаман, чунки бутун Ўзбекистонимнинг санъатини намойиш қилишим керак” деб жавоб беради.

Ўн мингга яқин томошабин билан тирбанд Альберт – Хилл кошонаси саҳнасида концерт бошланиб, навбат Ўзбекистон вакилларига келади. Улар саҳнага чиққанларида залда сув куйгандек жимжитлик ҳукм суради. Ўзбек артистлари инглизлар миллий рақсларимизнинг ўзига хос хусусиятларига тушунишармикин, деган ҳаяжонда эдилар. Устига-устак жароҳатни яшириш учун бинт устидан салла ўраган Уста Олим иситмаси кўтарилган холда саҳнага чиқиб, доирада “Қари наво” куйини чалади, Тамараҳоним чарх уриб ўйнайди. Айниқса, “Пилла” рақсидан кейин қарсақ алламаҳалгача тинмайди. Ҳар бир чиқишдан кейин залдагилар уларни қизгин олқишлар билан кутиб оладилар. Фестиваль комиссияси Уста Олим Комиловдан яқка ўзи баъзи бир куйларни ижро этишини илтимос қилади. У “Ногора ўйини” ва “Тантана” куйларини маромига етказиб чалиб бериб, лондонликларни ўз санъати билан қойил қолдиради. Англия қироличаси Елизавета I ҳам Ўзбекистон санъат усталарини завқ билан олқишлайди.

лик ва ошқоралиқни таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тақлифлар берилди.

Йиғилиш якунида ташкилий масала кўрилиб, унда доцент Юлдуз Хуснитдинова Ўзбекистон давлат консерваторияси Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий

ишлар бўйича проректори лавозимига тайинланди.

Янги раҳбарга ёшлар билан ишлашда бор билим ва малакасини ишга солиб, иқтидорлиларни кашф этишида ишонч билдирилди. Шу билан бирга Маданият вазириги номидан Ю.Хуснитдинованинг келгусидаги фаолиятида муваффақиятлар тиланди.

Онлайн анжуман



## Янги Ўзбекистон ёшлари

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Миллий университет ҳамда Хореография академияси ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон ёшлари: она тилим – жону дилим” халқаро илмий-маърифий онлайн анжумани ташкил этилди.

Тадбирда академиянинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, профессор Н.Қосимов, “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси муdiri, сан.ф.н. П.Тошкенбоев ва катта ўқитувчи, фил.ф.н. Х.Ҳамроевалар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Анжуманнинг бадиий қисмида “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси доценти в.б. Ш.Умаров ижросидаги миллий қўшиқлар анжуман иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

Ёшлар куни байрами арафасида ташкил этилган Она тилимиз тарғиботи йўлидаги маъмур илмий-маърифий анжуман юқори савияда ўтказилди.


Тадбир

## Тарғибот концерти

2021 йилнинг 28 июнь – 3 июль кунлари Хоразм вилоятида ташкил қилинадиган маданий-маърифий тарғибот, ижодий ўрашув ва концерт дастурлари режасига кўра, 29 июнь куни Богот тумани марказий Амфитеатрида тарғибот концерти бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон давлат сатира театри актери Севара Ҳамроқулова, Муқимий номидаги давлат мусиқали театри актери Қобил Умиров, Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан шоир Зикрилла Неъмат, филология фанлари номзоди Дилшод Ражаб, эстрада хонандалари Дониёр Бектурдиев, Ортиқбой Рўзибоев ҳамда “Шов-шув” гуруҳи ўзларининг маданий дастурлари билан иштирок этидилар.

Концерт кўтаринки кайфиятда ўтиб, 350 дан зиёд томошабинлар олқишлари сазовор бўлди.



М.ОРИПОВА,  
Маргилон шаҳар тарихи музейи  
илмий ходими

» Очк сўхбат

**Муаммолар жойига чиқиб ўрганилди**

Республика марказий кўзи оижизлар кутубхонаси директори Фарҳод Жўраев Сурхондарё вилоятида бўлди.

Ташриф давомида вилоят ҳамда унинг тасарруфидаги Термиз шаҳар ва туманларидаги кўзи оижизлар кутубхоналари ходимлари, фойдаланувчилари билан очк сўхбатлар

ўтказилди. Асосий мақсад, ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизimini такомиллаштириб, сифат жиҳатидан яхшилаш, сохага коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда фаолиятни ривожлантиришидир.

Учрашувда мавжуд муаммо

ва камчиликлар ҳам ўрганилиб, масъулларга уларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

**Ш.Жўраев,**  
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси халқ ижодиети ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш шўъбаси мудири



» Маданий тадбир

**Хива ёшлари**

Жорий йил 19 май куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинган эди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мавсумни юқори савияда ва сифатли ўтказиш бўйича аник вазифалар юклатилди.



Мазкур топшириқ ижроси доирасида Хива туман маданият бўлими ёшларнинг маданият ва санъатта бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 28 июнь куни “Қалдирғоч” болалар оромгоҳида туман маданият бўлими тасарруфидаги “Ўзбекистон” маданият маркази ҳамда “Хива” фольклор халқ ансамбли томонидан маданий тадбир ташкил этилди.

Кеча давомида намоиш этилган куй-қўшиқ ва рақслар болажонларга кўтаринки кайфият улашди.

» Янги фильм учун



**Кино ижодкорлари Сурхондарёда**

Республика кино ижодкорлари Сурхон маданияти, бахшичилик санъати, номоддий маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган “Дўппи” фильмини суратга олиш ишларини бошлаб юборишди. Бунинг учун улар Сурхондарё вилоятидаги тарихий масканлар ва диққатга сазовор жойларга ташриф буюришди.

Демак, яқин орада яна бир ўзига хос ижод намунаси экран юзини кўради.

**М.ҚАРШИЕВА,**

Республика бахшичилик маркази устоз-шогирд бўлими кичик илмий ходими

» Асрий санъат намунаси



**Пичоқсозлик — машаққатли ва завқли ҳунар**

Нодир пичоқлар ясашда ўзбек пичоқсоз усталарининг олдига тушадигани кам. Пичоқ ясаш бошлангич палеолит даврида маълум бўлган. Ушандаёқ ҳунармандчилик пайдо бўлган ва ривожланган. Мис ва бронзадан пичоқ ясаш эса бронза даврига келиб анча оммалашган.

Бу йўналишдаги ҳунармандчилик санъати тараққиётдаги турлар ишлов бериш илмининг пайдо бўлиши катта бурилиш ясаган. Ўрта Осиёда, айнан араб мамлакатларида ҳунармандчиликнинг бу тури кенг тарқалган ва яхши ривожланган. Айни шу даврда Италия ва Испанияда пичоқчиликнинг турли намуналари тез суръатда тараққий этган. XVI асрга келиб эса Германия, Англия, Австралия, Францияларда пичоқчилик касб сифатида таъкиқланган.

XVII аср бошларига келиб, пичоқнинг очиб-ёпиладиган, пакки, устара ва бошқа шу каби чўнтақда сақланадиган турлари пайдо бўлган. Археологик топилмалардан маълумки, Ўрта Осиё худудида миллион йил аввал пичоқнинг илк намуналари аниқланган. Болаликтепа, Афросиёб, Варахша ёдролликлари деворларига ишланган расмлардан маълум бўладики, пичоқдан уй-рўзгор буюмидан ташқари ҳарбий курол сифатида ҳам фойдаланилган. VI – XII асрларда пичоқ ясаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. XV – XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлган. Буни Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди.

Юртимизнинг Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Ташкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятлар қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта-кичклиги ва безаклари билан фарқ қилган. Ушбу фаолиятни олиб бориш учун эса қулай шaroит етарли бўлган. Ҳунармандлар қадимдан бири бири билан бириктириб, бир маҳаллада яшашган. Шу боис уларнинг яшаш манзиллари шугулланадиган ҳунарлари номи билан юритилган. Хусусан, заргарлар яшовчи маҳалла “Заргарон”, мистгарлар маҳалласи “Мистгарон” ка-

би номлар билан аталган. Бухородаги “Суфигордгар” кишлогининг номи ханузгача сақланиб қолган. У ерда ҳозир ҳам пичоқсозлар яшайди. Машҳур Венгер сайёҳи А.Вамбери ўзининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асарида Қашқадарё ҳунарманд усталари ясаган пичоқлар ҳақида шундай дейди: “Бир хиллари сифат жиҳатидан хисорликларникидан устун эмас, аммо бутунлай Ўрта Осиёга тарқалган бўлиб, хўжалар ҳатто Эрон, Арабистон, Хиндистонга олиб боришган ва ўз жойларидан кўра 3-4 баробар қимматга сотишган”.

Ҳозир пичоқлар асосан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20га яқин пичоқ марказлари мавжуд бўлиб, Чуст, Шахрихон, Қорасувда (Фаргона) ишланган пичоқлар миллий шаклининг нафислиги, ихчам ва ўткирлиги билан қимматлидир. Шунингдек, бу турдаги пичоқлар муносиб совға сифатида ҳам қадрланади.

Юртимизда тайёрланадиган пичоқлар ясашига қараб ҳам турлича номланган. Хусусан, “дандон сопли пичоқ”, “каркесоли пичоқ”, “тўғри пичоқ”, “қайчи пичоқ”, “бодомча пичоқ”, “уртасуямли пичоқ”, “кезлик пичоқ”, “болалпичоқ”, “чалабузар”, “мардона пичоқ”, “гуддор пичоқ”, “сода пичоқ”, “чилмихгудли пичоқ”, “руфта пичоқ” кабилар халқ орасида кенг ишлатилган.



Пичоқни совға қилиш, уни ёнга осиб олиб юриш қулай бўлиши учун “қин”ни ўйлаб топишган. Қин – пичоқ, қилич, ханжар каби ўткир тиели асбобларни солиб қўйиш учун махсус мослама ҳисобланиб, у чармдан, баъзида қаттиқ матодан ҳам ясалган. Пичоқ ясаш жараёнининг энг қизиқ жиҳатларидан бири бу – пичоқ тигини тайёрлаш. Бунда ҳунармандлар “зок”дан фойдаланишади. Зок – мис купароси, рус тилида “железний копорос” деб ҳам юритилади. Ушбу модда пичоқ тигини занглашдан сақлайди.

Пичоқчиликда пичоқ дастасини ясаш ва уни безашнинг ҳам бир неча хил усуллари мавжуд. Хусусан, “Гулбанд”, “Пистон” каби безаш турлари анча оммалашган. Пичоқчиликда ишлатиладиган махсус асбобларнинг ҳам ўз номлари бор. Масалан, Тигомбир – пичоқ тигини ясашда чарданга қимчиб ушлаб туришда ишлатиладиган пўлат омбир. Чарх эса турли асбобларни ўткиришда фойдаланилади. Пичоқ тигинга бирор ёзув ёки белгини ўйиб ёзиш учун бизиз, кўкқалам (бизининг бир тури), нақш бизиз кабилар ишлатилса, учи тирнок шаклида пўлатдан ясалган найча қалам билан исломий гуллар солинади. Айрим жойларда Бозгардон, баъзи ўринларда розгардон деб юритиладиган асбоб пичоққа даста қилинадиган эгри-буғри шохни шох қолипга солиб тўғрилагич бўлиб, уни қолипдан чиқариб олиш учун ясалган. Бу асбоб жимжилоқ йўғонлигидаги, узунлиги бир қарич келадиган турли мослама.

Пичоқчиликда жуда муҳим саналган яна бир асбоб бу – Вазон ёки пичоқ, баъзан катта болға деб аталадиган оғирлиги 4-6 кг атрофидаги болғадир. Шуни алоҳида таъкиқлаш лозимки, пичоқчилик жуда оғир ва нозик ҳунар турларидан саналади. Сандон, босқон ва юқорида тилга олинган усқунлар иштирокида темирта, пўлатта ишлов бериш орқали пайдо бўладиган маҳсулот,

яъни пичоқ икки ҳунарманднинг — уста ва бозгончининг бир неча соатлик меҳнати эвазига тайёр бўлади. Бугун ана шундай машаққатли меҳнат билан шугулланган, халқимизга бетақорор услубдаги пичоқлар тақдим этиб келаётган пичоқсоз ҳунармандлар ота-болларининг касбини мерос қилиб олиб, келажак авлодга етказишдаги кўприк бўлиб келмоқда.

**М.АЗИЗОВ,**  
Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285  
**Муассис:** “Dildosh media” МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги  
**Бош муҳаррир:** Дилбаҳор Худойбердиева  
**Таҳририят манзили:** 100029, Ташкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
 Тел.: Факс: (371)-256-04-54  
 Газета Ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.  
**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан** 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.  
**Нашр учун масъул:** Ш.Исроилова  
**Навбатчи муҳаррир:** С.Рихсиева  
**Навбатчи:** Н. Содиқова  
 Адади - 7843 Буюртма - Г - 717  
 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2восма табок  
 Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. “Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.  
**Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси** босмахонасида чоп этилди.  
 Корхона манзили: Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.  
 Босмахонага топшириш вақти - 00.20  
 Топширилди - 00.50  
 1 2 3 4 5 6